ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ КАРОРИ

330 Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида хосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўгрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 21 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1807-2

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 228-моддасига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 52 (I)-сон) ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»-ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотнома-

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й.



25 (577)-сон

— 97 —

330-модда

си, 2004 йил, № 9, 164-модда) мувофик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қумитаси **қарор қиладилар:**

- 1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қумитасининг 2008 йил 30 апрелдаги 44, 2008-23-сон қарори (руйхат рақами 1807, 2008 йил 16 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари туплами, 2008 й., 20-21-сон, 180-модда) билан тасдиқланган Солиқ туловчиларга ноль даражали ставкани қуллаш натижасида хосил булган қушилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш турисидаги низомга иловага мувофиқ узгартириш ва қушимчалар киритилсин.
 - 2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш., 2013 йил 10 июнь, 57-сон

Давлат солиқ қумитаси раиси

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш., 2013 йил 10 июнь, 2013-31-сон

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик кумитасининг 2013 йил 10 июндаги 57, 2013-31-сон қарорига ИЛОВА

Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўгрисида низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

- 1. 4-банддаги «республика бюджетининг асосий 23402-хисобварагидан» деган сузлар «Ягона газна хисобварагидан (бундан буён матнда ЯГХ деб юритилади)» деган сузлар билан алмаштирилсин.
 - 2. 6-бандда:
 - а) «б» кичик банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «б) Солиқ ҳисоботининг шаклларига (руйхат рақами 2439, 2013 йил 22 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами, 2013 й., 12-(I)-сон, 162-модда) мувофиқ ҚҚС ҳисоб-китоби;»;
- б) «д» кичик банднинг биринчи хатбошисидаги «Мактаб таълими жамғармасига» деган сўзлар «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция



қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» деган сӱзлар билан алмаштирилсин;

- в) қуйидаги мазмундаги «е» кичик банд билан тулдирилсин:
- «е) агарда юклаб жўнатилган товар учун валюта тушуми турли чет эл валютасида амалга оширилаётган бўлса, чет эл валютасини юклаб жўнатиш амалга оширилган ойнинг сўнгги кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада (сўмда) қайта ҳисоблаб чиқишнинг мазкур Низомнинг 9-иловасига мувофиқ шаклда солиқ тўловчи томонидан имзоланган ва унинг муҳри билан тасдиқланган хисоб-китоби.».
 - 3. 7-бандда:
 - а) «д» кичик бандда:

биринчи хатбошидаги «иссиқлик таъминоти, газ таъминоти» деган сўзлар «иссиқлик таъминоти, санитария тозалаш ва газ таъминоти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«санитария тозалаш буйича — санитария тозалаш хизматларини курсатганлиги тургисида маълумот.»;

- б) қуйидаги мазмундаги «е» кичик банд билан тулдирилсин:
- «е) йўловчилар, багажлар, юклар ва почтани халқаро йўналишда ташиш бўйича хизматлар кўрсатиш натижасида хосил бўлган ҚҚС суммасини қайтариш учун мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофик шаклдаги, солик тўловчи томонидан имзоланган ва унинг мухри билан тасдикланган йўловчилар, багажлар, юклар ва почтани халқаро йўналишда ташиш бўйича ягона халқаро ташиш хужжатлари реестри.».
 - 4. 13 ва 14-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- «13. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қумитасининг хулосасини куриб чиқиш ва ҚҚС суммасини қайтариш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қумитасининг хулосаси тақдим этилган кундан бошлаб 8 иш кунидан кечиктирмай қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қумитасининг хулосаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли тармоқ бошқармаси (бундан буён матнда тармоқ бошқармаси деб юритилади) томонидан 6 иш куни мобайнида куриб чиқилади. Тармоқ бошқармаси куриб чиқиш натижалари буйича ҚҚС суммасини қайтариш туррисида суровнома (бундан буён матнда суровнома деб юритилади) тайёрлайди. Суровнома (асли ва бир нусхаси) Узбекистон Республикаси молия вазирининг мутасадди уринбосари томонидан имзоланади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қумитаси хулосаси билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигига (бундан буён матнда Газначилик деб юритилади) ЯГХдан солиқ туловчининг хисоб рақамига туловни амалга ошириш учун топширилади;

Fазначилик ходими сўровнома нусхасига сўровномани қабул қилиб олинган кун ва вақтни қўйиб, уни тармоқ бошқармасига қайтаради;

Fазначилик сўровнома ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўми-



тасининг хулосасини олгандан сўнг 2 иш куни мобайнида мазкур Низомнинг 6 ва 7-бандларида кўрсатилган хужжатлар мавжуд бўлган такдирда ЯГХ дан ККС суммаси тўловини амалга оширади.

Fазначилик ЯFX дан ҚҚС суммаси туловини амалга оширгандан сунг Узбекистон Республикаси Давлат солиқ қумитасининг хулосаси, шунингдек унга илова қилинган ҳужжатларни тегишли тармоқ бошқармасига қайтаради.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҚҚСни қайтаришни рад этган тақдирда ушбу тўгрисида солиқ тўловчи ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ёзма равишда маълум қилади.

14. Ғазначилик ЯҒҲ дан ҚҚС суммаси туловини амалга оширгандан сунг Ғазначилик ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қумитаси маълумотлар базаларининг узаро электрон алоқаси йули билан, Давлат солиқ қумитасини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тармоқ бошқармаси ва Давлат бюджети бош бошқармасини хабардор қилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қумитаси белгиланган тартибда ушбу туғрисида тегишли давлат солиқ хизмати органларини хабардор қилади.

Fазначилик томонидан ўзаро электрон алоқаси йўли билан такдим этилган хабарномалар давлат солик хизмати органлари томонидан солик тўловчиларнинг шахсий карточкаларига ҚҚС бўйича суммани тўлов топширикномалари нусхаларида кўрсатилган суммага камайтириш тўгрисида ёзув киритиш учун асос хисобланади.

Сўровнома нусхаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг хулосаси, ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар тегишли тармоқ бошқармасида, сўровноманинг асл нусхаси эса Ғазначиликда сақланади.».

- 5. 15-банддаги «Мактаб таълими жамғармаси» деган сўзлар «Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
- 6. 17-банднинг иккинчи хатбошисидан «ва бошқа мажбурий туловлар» деган сузлар чиқариб ташлансин.
- 7. 20-банддаги «Давлат бюджети даромадлар ва харажатлар таснифининг 12-булими, 26-параграфига» деган сузлар «Давлат бюджети даромадлар таснифининг 3 450 721 «Республика бюджети харажатларини қоплаш» кодига» деган сузлар билан алмаштирилсин.
- 8. З-илованинг номидаги «иссиклик таъминоти ва газ таъминоти» деган сузлар «иссиклик таъминоти, санитария тозалаш ва газ таъминоти» деган сузлар билан алмаштирилсин.
 - 9. 6-иловада:
- 4.1-банддаги «4 иш куни» деган сўзлар «6 иш куни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 4.2-банддаги «Давлат бюджети Бош бошқармаси (4 иш куни)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилиги (2 иш куни)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
- 10. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофик тахрирда 9 ва 10-иловалар билан тўлдирилсин.



Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани кўллаш натижасида хосил бўлган кўшилган киймат солигининг ортикча суммасини кайтариш тўгрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва кўшимчаларга ИЛОВА

«Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўгрисидаги низомга 9-ИЛОВА

Чет эл валютасини юклаб жўнатиш амалга оширилган ойнинг сўнгги кунидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада (сўмда) қайта ҳисоблаб чиқишнинг ХИСОБ-КИТОБИ

T/p	Чет эллик ҳамкорнинг номи	Контракт (шартнома) рақами	Контракт (шартнома) санаси	Божхона юк декларацияси раками ва санаси	Юклаб жўнатишнинг санаси	Товарнинг чет эл валютасидаги қиймати	Валюта тури	Юклаб жўнатиш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган валюта курси
1.								
2.								
3.								
	Жами							



Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,

2013

					Жадвалнинг давоми	4
Товарнинг миллий валюта эквивалентидаги қиймати	Юклаб жўнатиш амалга оширилган ойнинг охирги кунидаги валюта курси	Миллий валютадаги эквиваленти	Чет эл валютасидаги тушумнинг келиб тушиш санаси	Чет эл валютасидаги тушум суммаси	Юклаб жўнатиш амалга оширилган ойнинг охирги кунидаги курс бўйича миллий валютадаги эквиваленти	Салмоғи
	_					

Бош хисобчи	
20й. «»	
ΜΫ	

Корхона рахбари

Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани кўллаш натижасида хосил бўлган қўшилган киймат солиғининг ортиқча суммасини кайтариш тўгрисидаги низомга 10-ИЛОВА

20___ йилда йўловчилар, багажлар, юклар ва почтани халқаро йўналишда ташиш бўйича ягона халқаро ташиш хужжатлари РЕЕСТРИ

T/p	Рейс рақами	Ташиш санаси	Йўналиш		Миқдори			Хизматлар қиймати				
			қаердан	қаерга	ташилган йўловчилар	ташилган багажлар	ташилган юклар	ташилган почта	йўловчиларни ташиш бўйича	багажларни ташиш бўйича	юкларни ташиш бўйича	почтани ташиш бўйича

Корхона рахбари	
Бош хисобчи	
20й. «»	
M.Ў.».	

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.